



Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 25 июнь,
№53 (1020)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон musulmonлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоханг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасида кенг қўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу қўтлуғ ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 июнь

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ижрода талаб ва интизом қатъий

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида Кўрғонтепа тумани Абу Али ибн Сино номидаги маҳалла маслаҳатчиси Ибodatхон Холиқова-га фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиясининг мақсади ва вазифалари тўғрисида савол тушди.

■ Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Уфқларини жамлаб, шундай деди: «Аввало, бу комиссия ҳудудда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва монфаатлари ҳимоясини таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этади. Низомга асосан аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштиришга яқиндан ёрдам беради. Бизнинг маҳалламизда айнан шу учинчи вазифага алоҳида эътибор қаратилган».

Шу воқеа собоб Андижон вилоятида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан аҳолига кўрса-

тилаётган хизмат сифати билан қизиқдик. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Одинахон Ибрагимова вилоятдаги 868 та маҳалла, 94 та қишлоқ ва 6 та шаҳарча фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати қатъий йўлга қўйилгани ҳамда уларнинг фаолиятини жонлантиришга Фонд бўлиналари ақиндан ёрдам бераётганини айтди.

Унинг таклифи билан Хўжаобод туманидаги Шахрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғини қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларини ўргандик.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



Танловнинг туман босқичлари қизгин давом этмоқда

Мамлакатимиздаги ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муайян қонун ва қонуности ҳужжатларига асосан фаолият юритса-да, уларнинг ҳар бирида оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни баркамол қилиб вояга етказиш, аҳоли бандлигига ҳисса қўйиш бўйича ўзига хос тажриба тўплаган.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Соҳада амалга оширилган ишларни, масъулиятли вазифалар қўламини қамраб олган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари» танлови ҳам «Соғлом бола» гоясини амалга ошириш бўйича ташкилий-амалий, тарғибот ишларини кучайтириш, Давлат дастури ижросини таъминлаш, маҳалла институти нуфузини ошириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган йиғинларни аниқлаб, уларнинг тажрибаларини кенг тарғиб этиш имкониятини берапти.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Фаровон турмуш тарзи маҳалламиз кўркида акс этади



— **Мамлакатимиздаги барқарор тинчлик-осойишталик туфайли аҳоли хотиржам умр кечириб, эртанги кунини бугунгидан ҳам порлоқ қилишга интилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Қўрай туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аваз Иброҳимов.**

■ Фарҳод ЭСОНОВ
«Mahalla»

— Кейинги уч-тўрт йилда бунёдкорлик, ободонлаштириш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар туфайли қишлоғимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерни ўн йил аввал кўрган киши бугун таний олмайслиги аниқ. Чунки қишлоқдаги намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги тураржой массиви қишлоғимизга кўрк бағишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури амалга оширила бошлагандан буён вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 3400 тодан зиёд уйнинг 700 дан ортиғи айнан 17 минг нафардан зиёд аҳолига эга Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Алишеробод» маҳалласи ҳудудида барпо этилди. Бундан ташқари, «Мухтор», «Биофизика» «Тўқайтепа», «Дўстлик», «Чингелди», «Жарбоши» «Хайдаробод» маҳаллалари аҳолиси ҳам кейинги уч йилда салкам икки мингга яқин янги уй-жой қургани ҳисобга олинса, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қўламини яққол намоён бўлади.

> [3]

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Қонунни ўрганган кадрини билади

Давлатимиз мустақилликка эришганига ҳадемай 23 йил тўлади. Бу давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгарди, халқимизнинг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланди.

■ Нормурод ИСОҚОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Зеро, янги давр янги одамларни шакллантирди, бугун улар янгича фикрлайдиган, дунёкараши кенг, тасавури бой, энг асо-

сийси, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини яхши англайди.

Дарҳақиқат, ҳақ-ҳуқуқини билиш инсон тақдирида муҳим аҳамият касб этади. Ана шу билим унинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган, ишбилармонлиги туфайли ҳам ўзини,

ҳам элини таъминлашга интилаётган одамлар билан суҳбатлашсангиз бунга амин бўласиз.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидининг барча туман ва шаҳар бўлиналари иш режасига аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам ташкил этиб бориш вазифаси қилинган. Бундай тадбирлар прокуратура ҳамда суд идоралари, шу-нингдек, «Қамолот» ЁИХ билан ҳамкорликда уйрашув, мулоқот ва кўрик-танловлар тарзида ўтказилмоқда.

> [3]

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Изчил саъй-ҳаракат эзгуликка йўғрилган

Жамият ҳаётида нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораётган маҳалла институти фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш ходимларнинг касбий малакаси, тизимга оид қонунчилик ҳужжатларидан тўла хабардорлигига боғлиқ.

■ Фурқат САИДОВ,
Вобкент туманидаги «Бешрабат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори фуқаролар йиғинлари иш самарадорлигини ошириш механизмларини тақомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий замин бўлди.

> [2]

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОСАВДОГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Соғлом одам чинакам бахт топади

Гиёҳвандлик — дунёни ташвиш-га солаётган иллатлардан. Унга ружу қўйиш жамиятда мудҳиш оқибатларни келтириб чиқаради.

■ Ю. ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ҳудудларда кенг қўламли профилактик, маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилаётди.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Ёрхоним» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳам долзарб вазифа ижросига жиддий киришишган.

— Маҳалламиз мамлакатимиз чегарасидан 12 километр ичкарида жойлашган, — дейди йиғин раиси Тоғаймурод Дамнов. — Бу эса зиммамизга янада улкан масъулият юклаб, огоҳликни кучайтиришни тақозо этади. Юртимизда гиёҳванд моддалар олди-сотида, уларни сақлаш, тарқатиш ва олиб ўтишнинг қонунларда қатъий тақиқлангани учрашувларда тушунтирилмоқда. Тарғибот тадбирларимизга ёшларни, мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини кенг жалб этамиз.

> [4]

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВФОСИ

Хушёрликни ошириш, ишончни мустаҳкамлаш ғоят зарур ва долзарб

...**Наргиза исмли аёл девор-дармиён кўшинлари — чиройли, ёш ва соддадил қизларни аераб хоризжда ишлашга кўндирди. Аниқроғи, чет элда «нимадир иш билан банд», мўмай пул топаётган бу аёлнинг ҳар ойда 1000 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи бериладиган официанткалик ҳақидаги чўпчаги қизларни ниҳоятда қизиқтириб қўйди.**

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Уч нафар қиз мутлақо бошқа манзилга бориб қолиб, энг жирканч ишга мажбурланганларидоғина неча йиллик кадрдонларининг осида ким эканини англашди. Бегона шаҳардаги энг кат-

та барлардан бирининг эгасига Наргиза бу қизларнинг ҳар бирини 500 АҚШ долларида сотиб, ўзи ҳеч нима бўлмагандек уйига қайтди. Пулсиз, ҳужжатсиз қолган қизларнинг юртимизгача қай ахволда етиб келганию нималарни бошидан кечирганининг ўзи кишини даҳшатга соладиган узундан-узук ҳикоя.

Аммо масаланинг яна бир оғрикли нуктаси ҳам борки, бу беихтиёр мушоҳадага чорлайди

кишини. Яъни нима учун девор-дармиён бўла туриб, қўшнилари бундай ҳолатга жим қараб туришди? Жамиятда тобора катта кучга эга бўлиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари бу воқеадан қандай беҳабар қолишди? Ваҳоланки, юртимизда бу борада яратилган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти аҳолига тарғибот воситалари орқали мунтазам тушунтирилмоқда-ку!

> [2]

Топширилди — 21.00

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Қонунни ўрганган қадрини билади

< [1]

Жумладан, яқинда фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди билан ҳамкорликда Навоий шаҳридаги «Ёшлар марказида» суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда шаҳардаги коллеж ва лицейларнинг ўқувчилари иштирок этди. Очик мулоқот чоғида конституциявий, ҳўжалик, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича судларнинг вазифалари, апелляция, кассация шикоятлари тўғрисида тушунча берилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқий тарғибот мавзўига бағишлаб ташкил этилаётган тадбирларда фуқароларга «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ҳақида тушунча берилмоқда. Чўнки қўндалик ҳаётда бу қонунларни билиш жуда зарур. Айниқса, одам савдосига доир меъёрий ҳужжатлар ҳақида билиш фуқароларни ҳўшёр торттиради, бу иллат тўғрига тушиб қолишдан осрайди.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларида)ги қонунни қабул қилинди. Айтиш жоизки, Конституцияга киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли миллий қўнўнчилик амалиётимизда мўҳим янгилıklar жорий этилади. Улардан бири жамоатчилик назоратининг ҳўқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Яъни Конституциянинг 32-моддасига киритил-

ган қўшимчага кўра, эндиликда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тоқомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Албатта, бу фуқаролар ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда яна бир асос бўлди.

Шўнингдек, 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонўн ҳам жамиятда демократик таомиллар устуворлигини таъминлаш билан бирга фуқаролардан ҳўқуқий саводхонлиқни талаб қилади. Афсўски, айрим ҳолларда айнан ҳўқуқий билимсизлик туфайли инсон жиноят кўчасига кириб қолади, ўз хатти-ҳаракати қонўн орқали таққиланганини англамагани боис жиноятга қўл ўради. Ҳатто ғараз ниятли диний оқимларга қўшилиб қолган айрим кимсаларнинг шў йўлга киришига ҳам ҳўқуқий саводсизлиги сабаб бўляпти.

Маҳаллаларда ҳўқуқий тарғибот ишларини ташкил этишда яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Кўп ҳолларда фуқаролар бирор масалани ҳал қилиш мақсадига тегишли идора қолиб, бошқа ташкилотларга мурожаат қиладилар. Маҳаллада, туманда ҳал бўлиши мўмкин бўлган муаммоларни вилоятга ҳек республикага олиб чиқашади. Агар ҳўқуқий тарғиботни тўғри олиб бурсак, аҳолига «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонўнни теранроқ тушўнтирсак, бундай камчиликларга чек қўйлади. Қолаверса, бу ҳўқуқий маданият юксалиши гарови бўлиб, ҳаётимиз форовонлигини таъминлашга хизмат қилади.

ИСТИҚДОЛ БЕРГАН ИМКОН

Фаровон турмуш тарзи маҳалламиз кўркида акс этади



< [1]

«Алишеробод» — ҳудуддаги йирик маҳаллалардан. Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой кўриш комплекс дастурининг амалга оширилаётгани оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратўзилмасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, яшаш учун қўлай ҳудуд сифатида унинг нуфузини ҳам ошироётир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қўнўнга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги қарори билан тасдиқланган Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овўлларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тутатиш, шўнингдек, уларнинг чегараларини белғилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом та-

лаблари асосида юзага келган янги шаҳарчага «Боғишамол» маҳалласи, деб ном берилди.

«Боғишамол»лиқлардан яшаш манзилини сўрасангиз «шаҳарда турамиз», деб жавоб беришади. Ҳақиқатан ҳам, номўнавий лойиҳадаги уйлар ташқи қиёфаси, қўлайлиқлари билан шаҳарникидан асло қолишмайди. Ҳоналари кенг, шинам, ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа зарур иншоотлар фойдаланиш учўн қўлай. Янги уйлар билан бир воқтда массивда маҳалла гўзари, бозор, савдо, маиший хизмат, банк шохбчаси, автобекат, болалар майдончаси ҳам қўриб битказилган.

— Аҳоли турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан одамларнинг иш билан таъминланганига боғлиқ, — дейди А.Иброҳимов. — Шўни назарда тутган ҳолда имкон қадар кўп иш ўрни ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Ушбу йўналишдаги фаолиятимизда давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учўн кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қўл кел-

моқда. Яқинда маҳаллада тикув цехини очдик. Унда 4 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд. Ҳудудда йигирмадан зиёд тадбиркор турли хизмат кўрсатиш шохбчаларида фаолият юритаётир. Эски дўконлар ўрнига икки қаватли замонавий савдо мажмуаларини барпо этиш учўн тадбиркорларга имтиёзли кредитлар олишларида кўмаклашяпмиз. Кўрилиши давом этаётган маҳалла тўйхонаси, йигин идораси истиқолимининг 23 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Маҳаллага туташ ҳудудда Соғлом бола йили мўнособати билан қишлоқ фуқаролар йигини кўмағида икки қаватли, барча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хўсурий тиббиёт муассасаси барпо этилиб ишга туширилгани, айниқса, аҳолига ажойиб тўхфа бўлди.

Маҳаллага кирган киши ободлиқни бу ердаги одамлар ҳаётининг барча жиҳатларида кўриши мўмкин. Кўркам уйларга монанд боғ ҳовлилар, кенг, равон кўчалар, йўл четига экилган арчалар, гуллар ҳудудга ўзгача тароват бағишлаган. Бундай шароитда, ҳар жиҳатдан қўлай, шинам уйларда яшашни ким орзу қилмайди, дейсиз.

— Бундай шинам ва қўлай уй-жойларнинг барпо этилиши эртанги кўн ҳоқидаги тасаввуримизни тўбдан ўзгартириб юборди, — дейди маҳалладаги хонадон соҳибаларидан бири Маҳфуза Шодийрова. — Чўнки яшаш учўн барча афзалиқларни намунавий лойиҳада қўрилган замонавий тураржойларда кўряпмиз. Айниқса, биз аёлларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинганидан жуда хурсандимиз.

Ақсарият уй-жойлар ўз эгаларига топширилган. Маҳаллада деярли ҳар кўни уй тўйлари ўтказилади. Янгиобод қишлоқ фуқаролар йигинининг Наврўз байрамига атаб ташкил этган маҳалла тадбири ҳам айнан мазкур маҳаллада бўлиб ўтган эди.

Йигин раисининг айтишича, уйларнинг нархи, банкнинг узоқ муддатга имтиёзли кредитлар бераётгани, айниқса, ёш оилаларга манзўр бўлаётир. Шў боис бу йил «Ҳайдаробод» маҳалласида яна 53 та шўндай уй қўрилиши мўлжалланмоқда.

Истиқлол бугўнги дориломон кўнларга олиб келди. Бўнга жавобан Янгиобод қишлоқ фуқаролар йигини фаоллари фидокорона меҳнат қилиб, ҳар жабҳада ўрнат бўлишаётир.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

«Соғлом аёл маркази»да саломатлик тикланади



Аёллар шиқокори Манзураҳон Файзитова Олтиариқ туманидаги Ташлик шаҳарча фуқаролар йигинида истиқомат қилади. У юртимизда ишбилармон аёлларга яратилаётган имконият ва байлиқлардан фойдаланиб, ўтган йили банкнинг 95 миллион сўм кредити эвазига замонавий жиҳозланган, барча шарт-шароитга эга «Соғлом аёл маркази» сиҳатгоҳи фаолиятини йўлга қўйди.

■ Расўл КАМОЛ «Mahalla»

Бу ерда фитнес зали, массаж, аёллар гўзаллиқ салони, косметолог, келинлар либослари, психолог, аёллар маслаҳатхонаси, соғломлаштирувчи сауна, фитобар хизматлари йўлга қўйилган.

Ишда, оилавий ҳаётда факат янгилликка интилиб яшаган, меҳнатдан, изланишдан

чарчамайдиган тадбиркор аёл яқинда «Қишлоққурилишбанк» томонидан ўтказилган «Энг яхши тадбиркор аёл» республика танловида иштирок этиб, 60 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди. Албатта, бу сармоялар марказ фаолиятини кенгайтириш, уни замонавий тиббий ва спорт анжомлари билан бойитиш, қўшимча хизмат турларини кўпайтириш сингари эзгу мақсадлар йўлига сарфланмоқда.

— Соғлом бола дунёга келишида соғлом ва ақил оиланинг ўрни мўҳим аҳамиятга эга, — дейди тадбиркор. — «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Шў боис аёлларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, уларнинг рўзгор ташвишларини енгиллаштириш, бўш вақтларини мазмўнли ўтказиб, саломатлиқларини тиклашга амалий ёрдам берапмиз. Бўндан ташқари, оила кўраётган ёшларнинг тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, ирсий ва туғма касаллиқларнинг олдини олиш, оналик бахти, бурча ва масъулияти борасида тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Чўнки фаолиятимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида оналар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, аёл соғлом бўлса, фарзандлар баркамол бўлиб ўлгаяди.

«Соғлом аёл маркази» доимо гавжўм. Айни пайтда бу ерда 30 нафардан зиёд мўтахассис аёлларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

— Марказдаги шарт-шароитлар менга жуда мўъжўл бўлди, — дейди 21-умўмтаълим мактаби ўқитувчиси Гўлнораҳон Абдурахмўнова. — Айниқса, спорт-соғломлаштириш машғўлотларида қатнашиш, мўтахассислар маслаҳати билан керакли муолажалар олиш учўн барча шароитлар етарли. Бир ҳафта давомида саломатлигимни тикладим, рўҳан тетиклашдим, оёқ, бел огриги асоратларидан қўтулиб, фаолиятимга қайтяпман.

Марказ нафақат Олтиариқ тумани, балки Қўштепа ва Ёзёвон сингари қўшни туманлардан келган мижозларга ҳам сифатли хизмат кўрсатаётир. Кўнглида эзгу мақсадлар билан яшаётган, юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган М.Файзиматова тадбиркорлик фаолиятига қўл ураман, деган маҳалладаги ташаббускор аёлларга ўз тажрибаларини ўргатмоқда.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Санъатидан сайёҳлар ҳам ҳайратга тушган

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Истироҳат» маҳалласида истиқомат қилаётган Акмалхон Азларов ўз касбини удуғлаб келаётган уста ҳўнармандлардан.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

У ўн икки ёшиданоқ ота касбига меҳр қўйиб, ёғоч ўймакорлиги сирларини пўхта ўрганди. Кейинчилик мўстақил ижод қилиб, ютуқларга эришди. Юзлаб шогирдлар тарбиялаётган уста юртимизда кичик ишбилармонлар учўн яратилаётган қўлайли ва имкониятлардан фойдаланиб, оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонўни ҳамда Юртбошимизнинг «Халқ бадийи ҳўнармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фаолиятимизни бошлашда мўстаҳкам асос бўлди, — дейди тадбиркор. — Айни пайтда устахонамизда фарзандларим Камолхон, Жамолхон, Лобархон, аёлим Мўҳаббатхон ҳамда укаларим Йўлдошхон ва Акбархон меҳнат қилиб келмоқда. Қолаверса, ўнга яқин маҳалла ёшлари «Устоз-шогирд» йўналишида улардан ҳўнар ўрганишаётир. Асосан, буюртма бўйича ишлаймиз. Ясаётган кўпқиррали хонтахта, стол-стул, сандиқ, ғаладон, лаган, лавҳ, қаламдон каби буюмларимизга нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик сайёҳларда ҳам талаб катта.

Дарҳақиқат, ёғоч ўймакорлиги факат қўл меҳнати билан талаб этади. Бу игна билан қўдуқ қазийдек машаққатли меҳнатки, инсонга сабр, чидам, эътибор ва, албатта, қўнт керак бўлади. Аввало, дарахт 10-15 йил қўритилади. Сўнгра уни тўқ ранг ва ялтїроқ ҳолатга келгўнча бир ой қайнатилади. Тайёр бўлган ёғочлардан турли буюмлар ясалиб, ўймакорлик асосида безак туши-

рилади. Тадбиркор маҳсулотни тайёрлашда ёнгоқ дарахтидан фойдаланади. Маҳсулотнинг сифатига, пишиқ ишланишига алоҳида эътибор қаратади.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Маҳсулотга талаб ортмоқда

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йигинида «Олга чеварлар» тикувчилик корхонаси ташкил этилди.

■ Мўҳбиримиз.

Натижада ҳудуддаги 5 нафар касб-ҳўнар коллежи битирувчисининг бандлиги таъминланди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учўн яратилган қўлай шарт-шароитлардан унўмли фойдаланиб, банкнинг 25 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига фаолиятимизни бошладик, — дейди корхона раҳбари Шаҳри Ҳўшўқтова. — Ма-

ҳалламиздаги бўш турган бинодан фойдаланишимизда йигин фаоллари кўмак беришди. Маҳсулотларимизни, асосан, буюртма бўйича тайёрляпмиз.

Айни пайтда чеварлар томонидан тикилаётган ўкувчилар формаси, кўрпа ва ёстик жилдлари, чойшоблар қўшни ҳудудларда ҳам ўз харидорларини тоғмоқда. Тадбиркор эса ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳаракатида.

Устакхона қошида ҳўнармандчилик буюмлари дўкўни очилгани тадбиркор учўн жуда қўл келди. Дўкон ҳар кўни харидорлар билан гавжўм. Айниқса, Акмалхон Азларов ижодиға мансўб «Бешиқдан қабргача» деб номланган санъат асари барчанинг ҳайрат ва эътирофиға сазовор бўлмоқда. Бир неча кўринишда очиладиган ловҳларнинг эса бозори чаққон. Энг қувонарлиси, 24 хил кўринишда очиладиган ловҳнинг Малайзия музейида сақланаётгани ҳўнарманднинг ишиға берилган юксак баҳо, дейиш мўмкин.

А.Азларов келгўсида устахона фаолиятини кенгайтириб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган.